*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2018 йил
**13 январь**
ШАНБА
**№ 4** (13057)

www.thtp.uz

1928 йил 11 декабрда асос солинган

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛГАНИНИНГ 26 ЙИЛЛИГИ ВА ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН БАЙРАМ ТАБРИГИ

Ҳурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуролли Кучларимиз хизматчилари ва фахрийлари!

Қадрли ватандошлар!

Сизларни, сизлар орқали бутун халқимизни Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 26 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни билан чин қалбимдан муборакбод этаман.

Бу қутлуғ сана мамлакатимизда ватанпарварлик, она юртга садоқат, мардлик ва жасурлик каби эзгу қадриятларни, халқимизга, буюк аждодларимизнинг муносиб ворисларига хос бўлган юксак фуқаролик фазилатларини ўзида мужассам этадиган том маънодаги умумхалқ байрамига айланди.

Ҳозирги кунда дунёда олдиндан айтиш қийин бўлган вазият ҳукм сураётган мураккаб бир шароитда мамлакатимиз хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини, жамиятимизда тинчлик ва тотувликни таъминлаш нақадар муҳим аҳамиятга эга эканини чуқур англаган ҳолда, биз 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича қабул қилган Ҳаракатлар стратегиясида юртимиз мудофаа салоҳиятини янада мустаҳкамлаш ва Қуролли Кучларимизни ривожлантиришни устувор йўналишлардан бири сифатида белгиладик.

Ушбу Стратегия асосида биз ўтган йил давомида мамлакатимиз ҳаётининг бошқа тармоқлари қаторида ҳарбий қурилиш соҳасида кўпгина энг долзарб ва муҳим масалалар бўйича аниқ чора-тадбир ва ҳаракатларни кўзда тутадиган қарорлар қабул қилдик, уларни амалга ошириш бўйича ишларни самарали ташкил этдик.

Шу тариқа қисқа вақт мобайнида аниқ натижаларга эришдик, Қуролли Кучларимизнинг келгусидаги қиёфасини белгилаб берадиган стратегик тамойиллар ва ана шу мақсадга эришишга қаратилган кенг кўламли комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқишга муваффақ бўлдик.

Аввало, ташқи сиёсатимизнинг мослашувчанлиги ва очиқлиги, қўшниларимиз билан дўстона ва амалий муносабатларни ривожлантириш, Ватанимиз мустақиллиги ва суверенитетини сақлаш энг устувор вазифа экани ҳақидаги принциплар асосида Ўзбекистон Республикасининг Мудофаа доктринаси янгиланган ҳолда қабул қилинди.

2017 йилда Миллий гвардия ва Мудофаа саноати бўйича давлат қўмитаси ташкил этилди, ҳарбий округларнинг таркибий тузилиши ва вазифалари тубдан қайта кўриб чиқилди, қўшинларни бошқариш тизими такомиллаштирилди, уларни босқичма-босқич замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминлаш бўйича муҳим қадамлар қўйилди.

Мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, армия ва халқ бирлигини таъминлаш борасида жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг ролини ошириш бўйича ишлар бутунлай янги сифат босқичига кўтарилди.

Ҳар бир ҳудудда ҳарбий-маъмурий секторлар ташкил этилди, уларга бевосита раҳбарлик қилиш маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарлари зиммасига юкланди.

Униб-ўсиб келаётган ёш авлод қалбида мустаҳкам ҳаётий позиция ва Ватанимиз тақдири учун юксак масъулият туйғусини шакллантириш мақсадида ватанпарварлик тарбияси соҳасида моҳият эътиборига кўра ноёб тизим яратилиб, унинг доирасига мамлакатимиз аҳолисининг кенг қатламлари қамраб олинди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг ташкил этилиши ва Қуролли Кучлар тизимида унинг бирламчи тузилмалари фаолияти йўлга қўйилиши мамлакатимизда ёш авлод манфаатларини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган давлат сиёсати самарадорлигини оширишга қаратилган саъй-ҳаракатларимизнинг мантиқий давоми бўлди.

Ҳарбий хизматчилар, уларнинг оила аъзолари ва фахрийларни ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш бўйича ўзининг кўлами ва миқёсига кўра мисли кўрилмаган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ҳудудларимизда узоқ муддатли, имтиёзли кредитлар бериш асосида кўп қаватли уй-жойлар босқичма-босқич барпо этилмоқда. Биз бу ишларни доимий равишда давом эттирамиз.

Қадрли дўстлар!

Амалга ошираётган саъй-ҳаракатларимиз, армия ва халқнинг фаол ҳамкорлиги натижасида Қуролли Кучларимиз том маънода жамиятнинг ажралмас қисмига, мамлакатимиз барқарорлиги ва тараққиётининг ишончли кафолатига, ёшлар ва ҳарбий хизматчиларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашнинг муҳим институтига айланиб бормоқда.

Айни вақтда халқаро терроризм ва экстремизм хавфининг тобора ортиб бораётгани, дунёнинг айрим минтақаларида қуролли тўқнашувлар давом этаётгани, таҳликали вазият сақланиб қолаётгани Ўзбекистоннинг барқарор ривожланишига таҳдид солмасдан қолмайди, албатта. Буларнинг барчаси олдимизда пайдо бўлаётган таҳдид ва хатарларга муносиб зарба беришга доимо тайёр бўлишни талаб этади.

Шу муносабат билан Қуролли Кучларни янада ривожлантириш, унинг жанговар тайёргарлиги ва қобилиятини ошириш доимо эътиборимиз марказида бўлади ва давлатнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолади. Биз ана шу вазифаларни амалга оширишда Қуролли Кучлар, ҳарбий округлар қўмондонлиги ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари раҳбарларининг фаол позициясига таянамиз.

Ҳурматли аскар ва сержантлар, офицер ва генераллар, Қуролли Кучларимиз хизматчилари ва фахрийлари!

Мана шу байрам кунида сизларнинг жанговар меҳнатингиз ўтган йиллар давомида Қуролли Кучларимизнинг обрўйи ва нуфузини оширишга катта ҳисса бўлиб қўшилганини алоҳида таъкидлашни зарур, деб биламан.

Айнан сизларнинг саъй-ҳаракатларингиз билан Ўзбекистон миллий армияси жадал ривожланмоқда, унинг жанговар қобилияти ва тайёргарлиги изчил ошиб бормоқда, мамлакатимизнинг мудофаа қудрати мустаҳкамланмоқда, халқимизнинг тинч-осойишта ҳаёти таъминланмоқда.

Сиз, азизларни ҳамда оила аъзоларингизни Қуролли Кучларимиз ташкил этилганининг 26 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни билан яна бир бор самимий табриклайман.

Жонажон Ватанимизни ҳимоя қилишдек ғоят шарафли ва масъулиятли вазифани адо этишда барчангизга катта ютуқлар, оилавий бахт-саодат тилайман.

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти,**
**Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

## ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ 26 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Давлатимизнинг мудофаа қудратини янада юксалтириш, миллий хавфсизликни ва давлат чегаралари дахлсизлигини таъминлаш ишига қўшаётган катта ҳиссаси, миллий манфаатларимизни ҳимоя қилиш ҳамда тинчлик, барқарорлик ва жамоат тартибини таъминлаш борасидаги хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани учун қуйидагилар мукофотлансин:

**"Меҳнат шухрати" ордени билан**

**Суннатов Ихтиер Хикматович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ қўшинлари қўмондонининг ўринбосари

**Шариксиев Бадритдин Усманович** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бош бошқармаси бошлиғи

**II даражали "Шон-шараф" ордени билан**

**Атаджанов Алишер Олимович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Розметов Шерзат Тургунбаевич** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм командири

**Турсоатов Содиқ Худоёр ўғли** – Сурхондарё вилояти Ички ишлар бошқармаси юридик таъминлаш бўлинмаси катта юрисконсульти

**Ханикулов Уктамжон Валиджонович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм батальон командири

**"Дўстлик" ордени билан**

**Прокудин Николай Павлович** – Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Махсус авария-тиклаш бошқармаси техника ва қурол-аслаҳа бўлими бошлиғи

**Сальников Андрей Александрович** – Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Эксперт-криминалистика маркази бош эксперти

**"Мардлик" ордени билан**

**Абдукадиров Вали Абдукахарович** – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Тез ҳаракат қилиш республика кўп тармоқли маркази қутқарувчиси

**Бекназаров Ислам Сарсенбаевич** – Тошкент шаҳар Миробод тумани ички ишлар бошқармаси профилактика инспектори

**Курбанов Исмоил Худайназарович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Мансуров Махмуджон Рахимович** – Андижон вилояти Андижон шаҳар ички ишлар бошқармаси қўриқлаш бўлими сафдор ходими

**Тулабоев Зухриддин Зокиржонович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи гуруҳ мутахассиси

**Хужаахматов Азизбек Одилжонович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Шамшидинов Абдурашид Юлдашбоевич** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби гуруҳ командири

**Юсупов Алишер Анварович** – Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси патруль-пост хизмати бригадаси ҳайдовчи-ходими

**"Жасорат" медали билан**

**Азимов Шухратбек Санжар ўғли** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Албеков Улуғбек Авазович (марҳум)** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси гуруҳининг чегара пости мутахассиси

**Амонов Ўктамхўжа Олимович** – Навоий вилояти Навоий шаҳар ички ишлар бўлими жиноят қидирув бўлими бошлиғининг ўринбосари

Давоми 3-бетда.

## НУРАФШОНДА БАЙРАМ ШУКУҲИ

**Вилоятимиз маъмурий маркази – Нурафшон шаҳрида 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 26 йиллиги муносабати билан ҳарбий-ватанпарварлик фестивали ўтказилди. "Миллий армиямиз – чинакам мардлик, фидойилик, ҳақиқий ватанпарварлик мактаби" шиори остида ўтган ушбу тадбирда кенг жамоатчилик вакиллари, ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзолари, мактаб, лицей ва коллеж ўқувчилари иштирок этди.**





*Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.*

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил топганлигининг 26 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармойиши ижроси доирасида ташкил этилган ушбу фестиваль вилоят ҳокимлиги, Тошкент ҳарбий округи, Ёшлар иттифоқи, вилоят мудофаа ишлари, фавқулодда вазиятлар бошқармалари, Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти вилоят кенгаши ва бошқа идоралар ҳамкорлигида ўтказилди.

Унда сўз олган вилоят ҳокими F. Ибрагимов ва бошқалар барчани, хусусан, элу юртимиз тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш йўлида хизмат қилаётган посбонлар ва уларнинг яқинларини байрам билан самимий муборакбод этди.

Шундан сўнг, "Деҳқонобод" маҳалласидан старт олган югуриш марафони қатнашчилари Нурафшон шаҳри марказигача бўлган уч минг метрдан ортиқ йўлни босиб ўтди. Марафонда юқори натижага эришган ўн нафарга яқин ёшлар муносиб рағбатлантирилди.

Фестиваль доирасида ўтказилган кўргазмада ҳарбий техникалар, шахсий ҳимоя буюмлари, махсус снарядлар намойиш этилди. Хизматга чақирилувчи йигитлар, қизиқувчилар ўқотар қурол ва бошқа воситаларни ишлатиш тартиби ва имкониятлари билан танишишди.

Шунингдек, тадбир иштирокчиларига мамлакатимиз мудофаа қудрати, ҳарбий салоҳиятини янада юксалтириш мақсадида Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар мазмун-моҳияти, муддатли ва шартнома асосида хизмат ўташ шарт-шароитлари, ҳарбийларга берилаётган имконият ва имтиёзлар, "Темурбеклар мактаби", ҳарбий олий таълим муассасаларида ўқитиш тизими ҳақида маълумотлар берилди.

– Бундай тадбирлар халқ билан армия бирлигини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади, – дейди Тошкент ҳарбий округига қарашли батальонлардан бирида хизмат қилаётган сержант Жаҳонгир Айматов. – Фестивалда кўплаб йигит-қизлар қатнашди. Уларнинг бир қанчаси билан суҳбатлашдим. Шунга амин бўлдимки, ёшларимизнинг жонажон Ўзбекистонимизга, Ватанимизга бўлган меҳру муҳаббати ошиб бораётир.

Фестивалда махсус ҳарбий қисм хизматчилари ёшларга қуроллардан фойдаланиш қоидалари, қўл жанги усулларини кўрсатиб, ўрмон, тоғ ва чўлларда ҳаракатланиш бўйича маълумот ва тушунчалар берди.

Тегишли ҳарбий қисм ошпази Бекзод Миллибоев ҳарбий дала ошхонасида пишириладиган таомлардан айримларини тайёрлади, хоҳловчилар учун уларни истеъмол қилиш имконияти яратилди.

Тадбирда иштирок этган – мард ва жасур аскарлар очиқ майдонда ҳарбий оркестр мусиқаси садолари остида саф кўриги – параддан ўтди. Намойиш этилган гала-концертда Ватанни madҳ этувчи куй-қўшиқлар янгради.

**Холмурод САЛИМОВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

**Шу кунларда мамлакатимизда мустақиллигимизнинг муҳим кафолати, озод ва обод Ватанимиз, халқимизнинг тинчлиги, осойишталигининг ишончли қалқони – Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 26 йиллиги кенг нишонланмоқда. Унинг сафларида хизмат қилаётган мард, жасур ўғлонларимиз ҳарбий хизматта киришишдан олдин бунга ҳар томонлама тайёр бўлишида Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти автомобиль мактабларининг фаолияти муҳим аҳамиятта эга.**

## ВАТАН БИТТА, ОНА ЯГОНА

Ўзбекистон Мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Чирчиқ автомобиль мактабида 14 январь – Ватан ҳимоячилари куни ва Ўзбекистон Қуролли Кучларининг 26 йиллиги муносабати билан ўтказилган байрам тадбири бўлғуси Ватан ҳимоячилари – ҳарбий техник мутахассислар тайёрлаш гуруҳлари чақирилувчиларининг юқори савиядаги тайёргарликларини яна бир бор намойиш этди. Уларнинг ҳарбий раҳбар буйруқларини зукколик билан бажаришлари, ҳарбийчасига турли мураккаб машқларни маҳорат билан бажаришлари тадбир иштирокчилари бўлмиш Тошкент ҳарбий округи фахрийлари, вилоят, шаҳар ҳокимлиги, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди, Ёшлар иттифоқи вакиллари ва ота-оналарни хушнуд этди.

Йиғилганларни Мудофаага кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти вилоят кенгаши раиси ўринбосари Рустам Эргашев қутлар экан, муқаддас Ватан сарҳадларини кўз қорачиғидай асраш, уни ёвуз кучлардан қўриқлаш шу юртда ўсиб-улғайиб, камол топган ҳар бир йигитнинг муқаддас бурчи эканини таъкидлади.

Давоми 2-бетда.

# 14 январь — Ватан ҳимоячилари куни



# «КИМКИ ЮРТДАН ЁВНИ ҚУВСА – МЕНДИРМАН ЎШАЛ...»

**Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртига бориб беихтиёр кўнглимизда ғурур уйғонди.**

Эшик олдида улуғвор ҳайкал. У халқимизнинг буюк баҳодир ўғлони Жалолиддин Мангубердини ёдимизга солди. Гўё бизни Жалолиддин кутиб олаётгандай бўлди. Мақсуд Шайхзоданинг сатрлари хаёлимиздан ўтди:

*Онамизнинг онаси*
*бўлса шу Ватан –*
*Кўрлик афзал шу юртни*
*асир кўрмоқдан!"*

Ёки, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов ёзганидек:

*Ҳар учраган нокасу*
*нодон,*
*Она халқим, ёқангдан*
*тутди.*
*Сени Чингиз ғазабга*
*тўлиб,*
*Йўқотмоқчи бўлди*
*дунёдан.*
*Жалолиддин самани*
*бўлиб,*
*Сакраб ўтдинг*
*Амударёдан.*

Ҳовлига қадам қўямиз. Ўта дид билан ўрнатилган суратлар ғуруримизни яна орттиради. Амир Темур бобомиз сиймоси у киши барпо қилган улуғ салтанатга бошлайди. Ҳамид Олимжон юрт ҳимояси учун "Қўлингга қурол ол!" дея ҳайқиргандай бўлади.

– Нажмиддин Кубро халқимизнинг ҳақиқий отаси бўлган, – кўнгилдан кечаётган ўйларни уққандай Республика Маънавият ва маърифат маркази вилоят бўлими раҳбари Шамсиддин Жумаев тўлқинланиб ҳикоя қилади. – Чингизхон Урганчни қамал қилгач, элчи жўнатади: "Улуғ донишманд Нажмиддин Кубро сизлар билан бирга экан. Урганчнинг тўрт дарвозасини очиб қўямиз, чиқиб кетишсин, у кишига шикаст етказмаймиз. Нажмиддин Кубро Урганчдан чиқиб кетгандан кейин қатлиомни бошлаймиз!"

Чингизхоннинг талаби рад этилади. "Халқимнинг бошига қандайин кўргуликлар тушса, менинг бошимга ҳам келгани шу! Халқимнинг бошига не бало келса, унинг билан биргаман", дейди улуғ аллома.

Чингизхон иккинчи ва учинчи бор элчи жўнатади. Яна ва яна рад жавобини олади. Қатлиом бошланади! Нажмиддин Кубронинг қони халқнинг қони билан қўшилиб кетади!

Мана буни ватанпарварлик деса бўлади.

– Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ Миллий Армиямизни барпо этиш учун катта ишлар амалга оширилди, – дейди билим юрти масъул ходими А. Шоҳакимов. – 1993 йилда билим юртимизга Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юрти номи берилди. Қуролли Кучларимиз учун етук ҳарбий мутахассислар етказиб бериш билим юртимизнинг асосий мақсадига айланди.

Бугунги кунда билим юртимиздаги 17 та кафедрада юқори малакали профессор-ўқитувчилар фаолият юритмоқда. Жумладан, "Умумқўшин фанлари" кафедрасида бўлажак командирларга жангни ҳозирги замон талабларига риоя қилган ҳолда ташкил этиш, жанговар таъминотни амалга ошириш, жангни моҳирона бошқариш тўғрисидаги назарий ва амалий билимлар берилади. "Қуролланиш ва отиш" кафедрасида қурол-яроғларнинг тузилиши ҳамда улардан нишонга аниқ ўт очиш кўникмалари ўргатилади. Замонавий армияни ҳарбий техникаларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. "Зирҳли техника ва қуролларни ишлатиш ва тиклаш", "Жанговар машиналар ва автомобиль тайёргарлиги" кафедраларида бўлғуси офицерларга ҳарбий техникалар ҳақида атрофлича билим ва кўникмалар берилади.

Курсантларимизнинг дунёқарашини шакллантириш ва миллий истиқлол ғояси асосида тарбиялашда "Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар" кафедраси етакчи мавқега эга.

Курсант ва ўқитувчи-офицерлар учун замонавий андозаларга мос маиший шароитлар ҳам яратиб берилган. Ёшларнинг интеллектуал ва жисмоний қобилиятини юксалтирувчи қатор тўгараклар, спорт секциялари фаолияти йўлга қўйилган. Курсантларнинг маънавий дунёқарашини янада кенгайтириш мақсадида музейларга саёҳат, адабиёт, санъат арбоблари билан учрашувлар уюштириш, интеллектуал ўйинлар ўтказиш ҳам яхши анъанага айланган.

– Бу ерда таҳсил жараёнида олган хулосам шуки, ҳарбий либос кийиш, юрт ҳимоясига чоғланиш учун фақатгина иштиёқнинг ўзи камлик қиларкан, – дейди Қорақалпоғистон республикаси, Нукус шаҳридан келган курсант Отабек Ўтенов. – Бунинг учун катта жисмоний тайёргарликка, алоҳида руҳий-маънавий хусусиятларга эга бўлиш талаб этилади. Чунки, бугун Қуролли Кучларимизда хизмат қилиш шунчаки ҳавас эмас, чексиз ғурур, юксак масъулият ҳамдир. Мен халқимизнинг ана шундай фарзандлари билан бир сафда эканлигимдан фахрланаман. Малакали ҳарбий бўлиш, она халқим, Президентим ишончини оқлаш учун астойдил интилаяпман.

Билим юртидан қайтар эканмиз, ана шундай мард, жасур ва ўктам йигитлар тимсолида мустақиллигимиз, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаёти ишончли қўлларда эканига яна бир бор амин бўлдик. Жалолиддин Мангубердининг сиймоси бизни кузатиб қолди:

*Мангуликдан жой олган*
*яшар абадий,*
*Мен-ку Мангубердиман,*
*олам билади.*
*Кимки юртдан ёвни*
*қувса, мендирман ўшал!*
*Улуғвор ниятларга кор*
*қилмас ажал!*

**Саид МУҚИМОВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**
*Қобилжон ҒОФУРОВ олган суратлар.*







## САДОҚАТ ОИЛАДАН БОШЛАНАДИ



**Чирчиқ гарнизони ҳарбий қисм ва муассасалари ҳарбий хизматчиларининг оилаларини намунали, соғлом ва мустаҳкам қўрғон, дейиш мумкин. Байрам арафасида мазкур гарнизон, вилоят ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида ҳарбийлар, уларнинг оила аъзолари иштирокида ўтказилган спорт мусобақалари йиғилганларда катта таассурот қолдирди.**

Қатнашчилар мусобақанинг тўсиқлардан чаққонлик билан сакраб ўтиш, теннис коптокчасини тишлаб манзилга етиш, коптокни мўлжалга бехато отиш, арғамчида сакраш, қоп кийдирилган ҳолатда югуриш каби қизиқарли шартларини завқ-шавқ билан бажаришди. Айниқса, ота-оналарнинг чапдаст ҳаракатларига маҳлиё болажонларда спортга бўлган қизиқиш янада кучайганини эътироф этиш зарур. Бу борада тўрт фарзанди билан ҳамма шартларни аъло даражада бажарган ҳарбий хизматчи Зафар Раимов ва унинг турмуш ўртоғи Шаҳноза Ўзбековаларнинг маҳорати эътироф этилиб, 1-ўринга лойиқ кўрилди. Шунингдек, сержант А. Мирзақулов ва оддий аскар Ф. Маматхўжаевлар оилалари ҳам спортга бўлган меҳри, маҳорати билан кейинги ўринларни банд этди.

Ғолибларга ташкилотчиларнинг эсдалик совғалари топширилди.

Тадбирда вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Озода Парпибоева иштирок этди.

**Сайёра РИХСИЕВА.**
*Қобилжон ҒОФУРОВ олган сурат.*

## ВАТАН БИТТА, ОНА ЯГОНА

Мудофаа вазирлиги қошидаги фахрийлар кенгаши раиси Аваз Намозов ҳам мустақиллик йилларида шиддат билан ривожланаётган Ўзбекистон Қуролли Кучлари, ихчам, тезкор ва ҳаракатчан, замонавий қурол-яроғ ҳамда техника билан таъминланган Миллий Армиямиз юртимиздаги тинчлик ва барқарорликни сақлайдиган, халқимизни ҳар қандай тажовузлардан ҳимоя қилишга қодир ишончли қалқондир, дея ғурур билан сўзлади.

Тадбир давомида Чирчиқ давлат педагогика институти ёшлари, шаҳардаги 7-мусиқа ва санъат мактаби, 30-мактабгача таълим муассасаси ҳамда автомобиль мактаби курсантлари иштирокида тайёрланган байрам дастури йиғилганларга завқ бағишлади. Айниқса, "Ватанпарварлик тароналари" ансамбли хонандасининг "Онамга хат" қўшиғини томошабинлар мириқиб тинглашди. Зеро, ҳарбий хизматдаги ўғлонларнинг севимли қўшиғига айланган бу таронада нафақат она меҳри, балки Ватанга муҳаббат жўш уриб туради...

**С. ЭШМАТОВА.**

Бошланиши 1-бетда.

# ИННОВАЦИОН ҒОЯ ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР – ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

**Президентимиз Шавкат Мирзиёев мамлакатимиз тарихида илк бор, янги амалиёт сифатида Олий Мажлисга Мурожаатнома шаклидаги дастурий маъруза билан чиқиш қилди. Мазкур маросимда олдимизда янада улкан ва масъулиятли вазифалар турганини англадик.**

Депутат минбари

Тадбиркорлик фаоллигининг ўзи ҳар қандай жамиятнинг тараққиётини таъминловчи локомотивдир. Чунки, ривожланган давлатларнинг тез тараққий этишида асосий ҳиссани тадбиркорлар қўшаётганидан яхши хабардормиз.

Таъкидлаш жоизки, ҳозирги вақтда, жаҳон тажрибаси саноатлашган иқтисодиёт ўрнини аста-секин инновацион иқтисодиёт эгаллаётганини кўрсатмоқда. Буни даставвал "инновация" атамаси орқали таҳлил этсак. Инглизча бу – фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш, деган маънони англатади. Чиндан ҳам дунёнинг кўплаб мамлакатлари айнан инновацион технологиялар орқали юксак тараққиётга эришаётгани сир эмас.

Буни Сингапур мисолида ҳам кўриш мумкин. Ушбу мамлакатда табиий ресурслар чекланганлиги яхши маълум. Аммо инновацион технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш борасида сингапурликларнинг олдига тушадигани топилмаса керак. Айни йўналишда ҳар йили алоҳида дастурлар қабул қилинади. Эътироф этилишича, Сингапурнинг инновацион жиҳатдан равнақ топиб, нафақат Осиё, балки бутун дунёда катта мавқега эга бўлишида бир қатор омиллар ҳал қилувчи роль ўйнаган. Малакали мутахассислар ва ёш истеъдодлар борасида ҳам сингапурликлар ижобий натижага эришган.

Инновация – бу моддий ишлаб чиқариш ёки сармоя концентрацияси эмас. Айрим тадқиқотчилар, айнан инновацион технологияларга таянган давлатгина юксак тараққиёт даражасига эришади, деган фикрни илгари суришади. Аслида ҳам шундай. Зеро, саноатлашган иқтисодиёт ўрнини аста-секин инновацион иқтисодиёт эгаллаши оддий ҳақиқатдир. Натижада, янгидан-янги бозорлар кашф этилади. Бинобарин, инновацион мақсадларни рўёбга чиқариш учун хусусий инвестицияларга имтиёз бериш, замонавий банкларни шакллантириш, инновацияларни кафолатлаш ҳамда суғурталаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, йирик технологик лойиҳалар учун миллий ва хорижий сармояларни кенг жалб этиш талаб этилади. Бундан ташқари, инновацион сиёсатни тартибга солувчи қонунларни такомиллаштириш ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Давлатимиз раҳбарининг Мурожаатномасида "Бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади", дея янги концепциянинг илгари сурилиши глобал аҳамиятга эга, деб бемалол айтишимиз мумкин. Чунки, тараққиётнинг ҳозирги босқичида ўзининг келажаги тўғрисида қайғураётган давлатлар айнан инновацион ривожланишга урғу бераётганлиги бежиз эмас. Инновацион ғоя ва технологияларни барча соҳаларга кенг жорий қилишимиз лозим. Буни давр шиддати тақозо этмоқда.

Умуман, Мурожаатнома асосида белгиланган вазифалар ижросида биз – депутатлар янада фаол бўлишимиз, халқимиз учун Президентимиздек фидойилик, жонкуярлик билан ишлашимиз лозимлигини дилдан ҳис қилдик.

Мурожаатномада илгари сурилган барча фикрлар, ғоялар, ташаббуслар ягона эзгу мақсад – фуқароларимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш, юртимизни ҳар томонлама тараққий эттиришга йўналтирилганига яна бир бор амин бўлдик.

**К. ШОДИМЕТОВ,**
**Ўзбекистон "Адолат" СДП қошидаги "Инновация ва муқобил энергетика тарғибот маркази" раҳбари, Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати.**

Эшитмадим, деманглар!

**Вилоят давлат солиқ бошқармаси "Ўзэкспомарказ"да ташкил этилган кўргазмали семинар доирасида тадбиркорлик субъектлари вакиллари билан учрашув ўтказди. Мамлакатимизда иқтисодиётнинг муҳим бўғини бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, соҳа ривожига хизмат қилувчи зарур ҳуқуқий замин ва қулай шарт-шароитлар яратиш бўйича муайян ишлар олиб борилмоқда. Хусусан, давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган солиқ юкини камайтириш, солиқ маъмуриятчилиги самарадорлигини янада ошириш борасидаги талаблари 2018 йил солиқ-бюджет сиёсатида ўз ифодасини топди.**

# БУ ЙИЛ ҚАНЧА СОЛИҚ ТЎЛАЙМИЗ?




"Ўзэкспомарказ"даги тадбирда вилоят давлат солиқ бошқармаси бошлиғи А. Файзибоев солиқ қонунчилигига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар, белгиланган имтиёзлар мазмун-моҳиятини соҳа ходимлари, вилоятда фаолият олиб борувчи тадбиркорлик субъектлари вакилларига етказди.

Маълумки, Президентимизнинг 2017 йил 29 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги Қарори ҳамда "Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2018 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди.

Мазкур қонун билан 3 та қонунга, жумладан, Солиқ кодексининг 47 та моддасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Шунингдек, Солиқ кодексининг 147-моддасидаги 28 турдаги солиқ солиш базасидан чегирилмайдиган харажатлардан 10 тасини чегириш имкони берилмоқда. Бунда тадбиркорлик субъектларининг 70 миллиард сўм маблағлари тежалиши кўзда тутилган.

Жисмоний шахсларнинг даромад солиғи бўйича учинчи ва тўртинчи шкаладаги ставкалари 0,5 фоизга пасайтирилиб, 16,5 ва 22,5 фоиз қилиб белгиланди ҳамда фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига ўтказиладиган мажбурий бадал суммаси 1 фоиздан 2 фоизга оширилди. Бунинг натижасида, фуқароларнинг шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварақларига даромад солиғи ҳисобидан ўтказиладиган маблағлар 453 миллиард сўмга кўпаяди. Солиқ ставкасининг пасайиши ҳисобига 92 миллиард сўм жисмоний шахслар ихтиёрида қолиши кутилмоқда.

Якка тартибдаги тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ ставкалари ўртача 30 фоизга пасайтирилди. Бундан ташқари, тадбиркорлик субъектларига солиқ юкини янада камайтириш мақсадида улар фаолиятини амалга оширадиган ҳудудга қараб ажратган ҳолда солиққа тортиш белгиланди. Бу имтиёз натижасида тадбиркорлар ихтиёрида 86 миллиард сўм қолиши ҳисоб-китоб қилинди.

Солиқ юки 2018 йилда кескин ошиб кетмаслиги учун кадастр қийматига асосан ҳисобланган солиқ суммаси 2017 йилдаги солиқ суммасига нисбатан 20 фоиздан кўп бўлмаслиги белгиланди. Мисол учун, Зангиота туманида жойлашган, кадастр қиймати 321,2 миллион сўмни ташкил этадиган ҳовли-уй учун 2018 йил 429,1 минг сўм мол-мулк солиғи ҳисобланиши лозим эди. Лекин 2017 йилда ушбу мулкнинг солиқ суммаси 134,4 минг сўмни ташкил қилгани боис 2018 йилда солиқ миқдори 161,3 минг сўмгача ҳисобланади, яъни ушбу сумма ўтган йилдагига нисбатан 20 фоиздан ошмайди.

Якка тартибдаги тадбиркор мақомини йўқотган ва муқаддам тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши натижасида юзага келган солиқ қарздорлигига эга бўлган фуқароларга – жисмоний шахсларга банкротлик қўлланилиши белгиланиб, бу борада Фуқаролик кодексининг 26-моддасига, Солиқ кодексининг 62-моддасига ҳамда "Банкротлик тўғрисида"ги Қонуннинг 27-моддасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Семинарда соҳага оид муаммолар юзасидан фикр-мулоҳазалар, уларни ҳал этиш бўйича амалий таклифлар билдирилди. Тадбиркорлар ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислардан атрофлича жавоб олишди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг*
*ФАРМОНИ*

# ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ КУНИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ 26 ЙИЛЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ОРГАНЛАРИ, МУДОФАА ВА ФАВҚУЛОДДА ВАЗИЯТЛАР ВАЗИРЛИКЛАРИ ХОДИМЛАРИДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

**Астанов Ойбек Уктамович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи гуруҳ командири

**Бегимкулов Воҳид Хўжаевич** – Қашқадарё вилояти Ички ишлар бошқармаси патруль-пост хизмати батальони сафдор ходими

**Дурдиев Эркинбай Утамуратович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Дусткулов Махаматсоли Махаматсодикович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи гуруҳ командири

**Исмаилов Камал Липиллаевич** – Давлат божхона қўмитаси Тошкент шаҳар божхона бошқармаси контрабандага қарши курашиш бўлими бошлиғи

**Каримов Фаррух Нишонович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Қодиров Муминжон Мамирович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби взводи мутахассиси

**Мадаминов Абдулхамид Марифжон ўғли** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи гуруҳ мутахассиси

**Мамарасулов Сардор Эшмамат ўғли** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи гуруҳ мутахассиси

**Муродов Мансур Мамаражабович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Мухидинов Даврон Рахимджанович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Нарзиев Руслан Холматович (марҳум)** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитаси гуруҳининг взводи мутахассиси

**Нуриддинов Ғолиб Буриевич** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Олимов Козимжон Нозимжонович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм бўлинма бошлиғи

**Отамуродов Умид Хабибович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби взвод командири

**Рахимбаев Пулат Комилович** – Қорақалпоғистон Республикаси Амударё тумани ички ишлар бўлими қўриқлаш бўлими сафдор ходими

**Рахимкулов Мухторжон Муротжонович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи гуруҳ мутахассиси

**Рахматов Умид Ахмадович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Турдиев Уйғун Рахматуллаевич** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Убайдуллаев Қутбиддин Бахтиёрович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Хайткулов Сиражиддин Суннатиллаевич** – Тошкент вилояти Ички ишлар бошқармаси Ангрен шаҳар ёнғин хавфсизлиги бўлими ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми бўлинма командири

**Халиков Тулкин Тургунович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Халимбетов Рашиджон Бахтиярович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Хидиров Алимардон Авлокулович** – Қашқадарё вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси Шаҳрисабз шаҳар қутқарув отряди қутқарувчиси

**Холматов Шавкат Шухратович** – Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

**Шадманов Алибек Абдухакимович (марҳум)** – Самарқанд вилояти Ички ишлар бошқармаси Каттақўрғон тумани ёнғин хавфсизлиги бўлими ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми катта ёнғин ўчирувчиси

**Юсупов Хусан Бахтиярович** – Сирдарё вилояти Ички ишлар бошқармаси Гулистон шаҳар ёнғин хавфсизлиги бўлими ҳарбийлаштирилган ёнғин хавфсизлиги қисми катта техниги

**"Содиқ хизматлари учун" медали билан**

**Абдуллаев Акбарали Эркинович** – Наманган вилояти Наманган тумани ички ишлар бўлими профилактика катта инспектори

**Авазов Қудратжон Абдугаффорович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Амиров Нодир Ускун ўғли** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм эскадрильяси звено командири

**Атаджанов Умидбек Багибекович** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги хорижий давлатлар дипломатик ваколатхоналарини қўриқлашни таъминлаш бўйича алоҳида батальони командири

**Ахмедов Азлар Муратович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Жураев Рустам Абдурайимович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи гуруҳ командири ўринбосари

**Каримов Дилшодбек Толибжонович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Чирчиқ олий танк қўмондон-муҳандислик билим юрти батальони командири

**Кучаров Бахриддин Иззатуллаевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали травматология бўлими бошлиғи – бош травматолог

**Мамарасулов Шухрат Рустамович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм эскадрильяси командирининг ўринбосари

**Махрамов Хусен Кувандикович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ қўшинлари қўмондонининг ўринбосари

**Машрабов Иброхим Муминович** – Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи "Ватанпарвар" ташкилоти Наманган автомобиль мактабининг ўқув ишлаб чиқариш катта устаси

**Метинов Дилшоджон Мухамаджонович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий округ штаби бўлим бошлиғи

**Нoралиев Хамиджон Жумабоевич** – Андижон вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси қутқарув отряди қутқарувчиси

**Норкулов Рустам Орифович** – Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Қутқарув кучлари бошқармаси бошлиғи ўринбосари

**Нуридинов Азамат Абдулазизович** – Тошкент шаҳар Юнусобод тумани ички ишлар бошқармаси профилактика катта инспектори

**Омонов Мансур Ражабович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Сабиров Эркабой Эркинбаевич** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Ёнғин хавфсизлиги институти кафедра бошлиғи

**Саноев Султон Сулаймонович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби хизмат бошлиғи

**Сиражов Жахонгир Иброгимович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм эскадрильяси командирининг ўринбосари

**Солиев Жахонгир Ташпулатович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи гуруҳ катта мутахассиси

**Темиров Рахматжон Собирович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи гуруҳ командири

**Тожибаев Искандар Алижонович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм пост бошлиғи

**Умаров Мухиддин Муйсинович** – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари академияси кафедраси цикли бошлиғи

**Умматов Саиджон Абдурахмонович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батальон командири

**Худойназаров Хуршид Халимназарович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм дивизион командири

**Шакаров Баходир Эргашович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**"Шуҳрат" медали билан**

**Абдугаффаров Умиджон Хайруллаевич** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Абдуллаев Жасурбек Муродович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи секцияси командири

**Акбарова Елена Николаевна** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги Марказий ҳарбий клиник госпитали бўлим мудираси – шифокор эндоскописти

**Алпонов Муҳаммади Нормурод ўғли** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати Давлат чегараларини ҳимоя қилувчи қўмитасининг Чегара қўшинлари минтақавий штаби взводи назоратчиси

**Бахриев Голиб Абдушукурович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батальони батарея командири

**Бойдадаев Шавкатжон Ғуломович** – Фарғона вилояти Марғилон шаҳар ички ишлар бўлими профилактика инспектори

**Бомуродов Муҳиддин Атобоевич** – Бухоро вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси қутқарув отряди фельдшер-қутқарувчиси

**Гайбуллаев Толиб Тошмуродович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Гребенюк Владимир Анатольевич** – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари Ҳаво ҳужумидан мудофаа ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлиги бўлими хизмат бошлиғи

**Жумабаев Фарходжон Пазилжонович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батальони командири

**Жураев Шербек Рахматиллаевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батальони командири

**Имомалиев Бахром Хасанбоевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм дивизиони батарея катта техниги

**Камолов Авазбек Абдирахимович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи гуруҳ секцияси командири – ҳисоб командири

**Косимов Жамолиддин Абдухалилович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи гуруҳ секцияси командири – техник

**Мавлонов Камолиддин Бобарахматович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Мамадалиев Ойбек Асилжонович** – Наманган вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси қутқарув отряди гуруҳ командири

**Маннанов Рустам Уктамович** – Сирдарё вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси етакчи мутахассиси

**Махмудов Шафоат Тулкинбоевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм отряди гуруҳ командирининг ўринбосари

**Назаров Зариф Озодович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм взводи гуруҳ командирининг ўринбосари – йўриқчи

**Нишонов Ахрорбек Акбаралиевич** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Орипов Акрам Фозилжонович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм отряди взвод командирининг ёрдамчиси

**Пардаева Элзара Эргашевна** – Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги махсус авария-тиклаш бошқармаси тиббиёт пункти фельдшери

**Ражабов Заир Закиралиевич** – Тошкент шаҳар Яккасарой тумани ички ишлар бошқармаси техник қўриқлаш пункти сафдор ходими

**Раимов Абдурасул Абдувалиевич** – Жиззах вилояти Фавқулодда вазиятлар бошқармаси қутқарув отряди радиацион, кимёвий ва биологик (бактериологик) муҳофаза гуруҳи қутқарувчи-биолог-разведкачиси

**Раимов Илес Фармонович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм взводи гуруҳ мутахассиси

**Сафаров Отабек Насиллоевич** – Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати ходими

**Сулейманов Антон Олегович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм цехи чилангари

**Умаров Мухаммад** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм батальони гуруҳ катта механиги

**Утапулатов Алимардон Турамуродович** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм командири

**Хамзаев Нодир Баходирович** – Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Қоровул қўшинлари бош бошқармаси ҳарбий қисм қоровул бошлиғи

**Хужамуродов Абдижалол Абдукахорович** – Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий қисм взводи гуруҳ мутахассиси

**Шарипов Гуломжон Пармоналиевич** – Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисм дивизиони батарея катта техниги

**Шарифбоев Отабек Шухратович** – Давлат божхона қўмитаси Андижон вилояти божхона бошқармаси контрабандага қарши курашиш бўлими катта тезкор вакили

**Яхшибоев Илхом Абриевич** – Ҳарбий-қурилиш йўналишидаги Самарқанд академик лицейи ўқитувчиси

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2018 йил 12 январь

Бошланиши 1-бетда.

Реклама ва эълонлар

**Диққат, эълон!**

## ЭНГ ЯХШИ ИНТЕЛЛЕКТУАЛ МУЛК ОБЪЕКТЛАРИ УЧУН "BEST IP – 2018" ТАНЛОВИ

Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлиги республикада энг яхши интеллектуал мулк объектларини аниқлаш ва ҳуқуқ эгаларини мукофотлаш орқали ихтирочилик ва илмий-техникавий ижодни рағбатлантириш, инновацион фаолликни ошириш, янги техника, технология ва рақобатбардош маҳсулотларни яратишга кўмаклашиш ҳамда ёшларнинг инновацион ишланмаларини қўллаб-қувватлаш мақсадида:

**"Энг яхши ихтиро";**
**"Энг яхши фойдали модель";**
**"Энг яхши саноат намунаси";**
**"Энг яхши селекция ютуғи";**
**"Энг яхши ЭҲМ учун дастур ва маълумотлар базаси";**

"Ёшлар ўртасида энг яхши ЭҲМ учун дастур муаллифи" номинациялари бўйича "Best IP – 2018" танловини эълон қилади.

Танловга сўнгги 3 йил (2015-2017 йиллар) давомида муҳофаза ҳужжатлари олинган ва амалда сақлаб турилган ихтиролар, фойдали моделлар ва саноат намуналари ҳамда маҳаллий муаллифлар (ҳуқуқ эгалари) томонидан яратилган ЭҲМ учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базалари ҳамда селекция ютуқлари қабул қилинади.

Танловнинг "Ёшлар ўртасида энг яхши ЭҲМ учун дастур муаллифи" номинацияси бўйича 40 ёшга тўлмаган, ўзининг ЭҲМ учун яратилган дастурига эга бўлган шахслар ҳужжатларини топшириши мумкин.

Танловда иштирок этиш учун ҳужжатлар 2018 йилнинг 10 январидан 2018 йил 10 апрелига қадар қабул қилинади.

Танлов ғолиблари "26 апрель – Халқаро интеллектуал мулк куни" арафасида эълон қилинади ҳамда эсдалик совғалари ва пул мукофотлари билан тақдирланади.

Танлов иштирокчилари қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилади:

– ариза (танлов Низомининг 1-иловасига мувофиқ шаклда тўлдирилган);
– муҳофаза ҳужжатларининг нусхаси;
– объектдан фойдаланиш далолатномаси ёки объектнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисидаги ҳужжатлар (тажриба ёки саноат синови далолатномаси, лицензия шартномаси, татбиқ қилиш далолатномаси ва ҳоказо).

*Танловга талабномалар иш кунлари соат 9:00 дан 17:00 гача қуйидаги манзил бўйича қабул қилинади:*

*100000, Тошкент шаҳри, Мустақиллик шоҳкўчаси, 59-уй (5-қават, Агентлик кутубхонаси).*

Шунингдек, танловга ҳужжатлар электрон тарзда tanlov@ima.uz электрон манзилида ҳам қабул қилинади.

Ҳужжатлар "Энг яхши интеллектуал мулк объектлари учун "Best IP – 2018" танловига" деб кўрсатилган ҳолда топширилиши лозим.

**Маълумот учун телефонлар:**
**(0 371) 232-50-27, (0 371) 232-50-50, (0 371) 232-50-13.**

Кўриб чиқиш учун қабул қилинган ариза ва ҳужжатлар танлов иштирокчиларига қайтарилмайди ва уларга тақризлар берилмайди.

Танлов тўғрисидаги батафсил маълумотни Агентлик сайтидан (www.ima.uz) олиш мумкин.

Шайхонтоҳур тумани ДСМ томонидан ЯТТ Ғаниев У. Э. га 2014 йил 18 апрелда берилган 288 рақамли ЯТТнинг даромадлар ва товар операцияларини ҳисобга олиш дафтари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

**Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармаси ва "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ бошланғич нархи босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!**

Аукцион савдоларига рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент вилояти ҳудудий бошқармасининг 2018 йил 8 январдаги 01/06-1-28-сонли буюртманомасига асосан қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1. Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Чорбоғ қўрғони, "Дўстлик" маҳалласи ҳудудида жойлашган "Маданият саройи" биноси. Умумий ер майдони – 0,15 Га, қурилиш ости майдони 1526,3 кв.метр, бошланғич нархи – 3 641 288 996,30 сўм.

Балансда сақловчи: Бўстонлиқ тумани ҳокимлиги.

Фаолият ихтисоси: маъмурий бошқарув.

2. Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Чимбойлиқ ҚФЙ ҳудудида жойлашган "Нурчи" болалар соғломлаштириш оромгоҳи биноси. Умумий ер майдони – 8,098 Га, қурилиш ости майдони 1595,23 кв.метр, бошланғич нархи – 7 186 769 181 сўм.

Балансда сақловчи: Бўстонлиқ тумани ҳокимлиги.

Фаолият ихтисоси: маъмурий бошқарув.

3. Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Эшонгузар ҚФЙ, А. Набиев кўчаси ҳудудида жойлашган фойдаланилмаётган бино-иншоот. Умумий ер майдони – 0,04 Га, қурилиш ости майдони 245,82 кв.метр, бошланғич нархи – 257 607 693 сўм.

4. Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Менделеев кўчаси, 1-уй манзилида жойлашган "Профсоюз биноси". Умумий ер майдони – 0,0304 Га, қурилиш ости майдони 249,48 кв.метр, бошланғич нархи – 1 226 127 068 сўм.

Балансда сақловчи: "MAXAM-CHIRCHIQ" АЖ.

Фаолият ихтисоси: ижтимоий соҳа.

5. Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Назарбек қўрғони ҳудудида жойлашган собиқ клуб биноси. Умумий ер майдони – 0,0806 Га, қурилиш ости майдони 435,54 кв.метр, бошланғич нархи – 792 096 097 сўм.

Балансда сақловчи: "DAMACHI BALIK" МЧЖ.

Фаолият ихтисоси: ижтимоий соҳа.

6. Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Эркин ҚФЙ, "Янги Ҳаёт" МФЙ ҳудудида жойлашган 36-сонли мактабнинг фойдаланилмаётган биноси. Умумий ер майдони – 0,084 Га, қурилиш ости майдони 223,5 кв.метр, бошланғич нархи – 235 867 640 сўм.

7. Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, Озодбош ҚФЙ ҳудудида жойлашган собиқ мактабгача таълим муассасаси биноси. Умумий ер майдони – 0,4363 Га, қурилиш ости майдони 759,76 кв.метр, бошланғич нархи – 1 754 629 916 сўм.

Балансда сақловчи: "Universal Golden Wing" МЧЖ.

Фаолият ихтисоси: ижтимоий соҳа.

8. Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, Тотувлик (Китве) кўчаси, 9-А уй манзилида жойлашган ошхона ва кир ювиш биноси. Умумий ер майдони – 0,082 Га, қурилиш ости майдони 819,95 кв.метр, бошланғич нархи – 1 690 922 402 сўм.

Балансда сақловчи: "AMMOFOS-MAXAM" АЖ.

Фаолият ихтисоси: ишлаб чиқариш.

Аукцион савдоси 2018 йил 14 февраль куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй манзилида ўтказилади.

Аукцион савдоси шу куни бўлиб ўтмаса, такрорий савдолар 2018 йил 1 март, 16 март, 2 апрель ва 17 апрель кунлари соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари натижалари бўйича ғолиблик баённомаси имзоланган санадан бошлаб, 20 кундан кечикмай олди-сотди шартномаси тузилади.

Талабгорлар давлат активи бошланғич нархининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини закалат келишувига асосан "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖнинг қуйидаги банк реквизитларига тўлашлари лозим: АИТБ "Ипак йўли" Сағбон филиали, ҳ/р: 20208000904920609114, МФО 01036, ИНН 207122519.

Аукционда қатнашишга буюртманома қабул қилиш билдиришнома эълон қилинган санадан бошланади ва савдо бошланишидан уч соат олдин тўхтатилади.

Аукционда қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили аукцион ўтказиш тўғрисидаги эълонда белгиланган муддатларда шахсан ёки почта бўйича қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда аукционда қатнашишга буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

– юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси, шунингдек, тўлиқ ваколатли вакилнинг аукционда қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома;

– жисмоний шахслар учун паспорт нусхаси, аукционда тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси илова қилинган ишончнома;

– аукцион тўғрисидаги билдиришномада кўрсатилган банк ҳисоб рақамига закалат пули тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжати нусхаси.

Савдо ташкилотчиси: "Ko'chmas mulk savdo xizmati" МЧЖ.

Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй.

Тел./факс (0-371) 228-84-48, 228-80-26. Веб сайт: www.1kms.uz. Электрон почта: rieltsavdo@inbox.uz.

Лицензия: RR 0001.

## Ғазал согинчи



**Заҳириддин Муҳаммад БОБУР**

### Соғинчинг савдоси тушти

*Сочининг савдоси тушти
бошима бошдин яна,
Тийра бўлди рўзгорим
ул қаро қошдин яна.*

*Мен ҳуд ул тифли парийвашға
кўнгул бердим, вале
Хонумоним ногаҳон бузулмағай
бошдин яна.*

*Юз ямонлиғ кўруб андин телба
бўлдунг, эй кўнгул,
Яхшилиғни кўз тутарсен
ул париваштдин яна.*

*Тош урар атфол мени, уйда
фориғ ул парий,
Телбалардек қичқирурмен ҳар
замон тошдин яна.*

*Оёғим етгунча Бобурдек кетар
эрдим нетай,
Сочининг савдоси тушти
бошима бошдин яна.*

Сурур

**Шу кунларда Тошкент вилояти муҳити баҳорни кутмай уйғониш палласига кирди. Қалблардан, кўзлардан мудроқни қувган омил кўклам офтоби эмас, балки қуёшқалб Президентимизнинг меҳру эътиборидир. Зангиота, Янгийўл, Оққўрғон туманларидаги ўйинқароқ болакайдан тортиб оддийгина қишлоқ аёлининг орзу истакларига қулоқ солган, дарду ташвишларига шерик бўлган давлатимиз раҳбари вилоятимиз аҳлини қанчалар самимият билан яхши кўришига ҳаммамиз гувоҳ бўлдик.**

# БУГУНДАН БОШЛАНГАН КЕЛАЖАК

Куни кеча Чирчиқ шаҳрига ташрифи давомида Президентимиз одамлар оғирини енгил қиладиган, турмушига чинакам фаровонлик бағишлайдиган янги-янги ташаббусларни илгари сурганлари қувончимизни янада оширди. Эътибордан четда бўла келган Чирчиқ шаҳри энди ўзгача қиёфа касб этади, замонавий шаҳарсозлик меъёрлари асосида қайта қурилади, ҳамма шароитларга эга мактабгача таълим муассасалари фаолият бошлайди, деҳқон бозори, марказий истироҳат боғи реконструкция қилинади, Чирчиқ дарёси бўйида сўлим сайилгоҳ бунёд бўлади, Чирчиқ давлат педагогика ва жисмоний тарбия институтлари муҳташам ўқув масканларига айланади, Пискент, Чорбоғ гидроэлектростанциялари хонадонларгаю дилларга нур олиб киради.

Давлатимиз раҳбари вилоятимиз аҳли билан суҳбатлар чоғида таклиф этган ҳаётбахш



ғоялар эрта-индин тарихий воқеликка айланган паллада турмушимиз нақадар юксалишини кўз ўнгимизга келтириб, бугун астойдил енг шимариб ишга киришамиз. Нафақат моддий фаровонлик, балки маънавий тараққиёт борасида ҳам қилинажак ишлар ифтихорга муносиб. Айниқса, Тошкент вилоятида янги театр фаолиятини йўлга қўйиш хусусидаги таклиф каттаю кичикни бирдек қувонтирди.

– Муҳтарам Юртбошимизнинг ташаббуслари билан Тошкент вилоятида янги театр ташкил этилиши биз, санъат аҳлини беҳад тўлқинлантириб юборди. Ўзим Бекобод туманида туғилиб ўсганим учун бу хушхабардан санъаткор сифатида бошим осмонга етди. Бу маскан халқимиз маънавиятини янада бойитишга хизмат қилиш билан бирга Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтини тамомлаган қанча-дан-қанча иқтидорли ёшларни иш билан таъминлайди. Табиийки, янги маданият даргоҳига пойтахт театрларидаги тажрибали, маҳоратли режиссёрлар, халқ артистлари жалб қилинади. Шу тариқа, эндигина тажриба тўплаётган шогирдлар учун катта маҳорат мактаби юзага келади. Ишонаманки, янги санъат маскани мамлакатимиздаги бошқа театрлар қатори ўз томошабинларини топади, – дейди эл суйган актёр, Санъат ва маданият институти ўқитувчиси Дилмурод Узоқов.

Вилоятимизда театр вужудга келса, "Турон" кутубхонаси халқимиз қўли етгулик ерда фаолиятини янада жонлантириб, маърифат улашса, ёшларимиз онгу қалби фақат эзгу ғоялар билан тўлади. Бу ислоҳотларнинг барчаси келажак бугундан бошланишининг аниқ-тиниқ ифодаси эмасми?

Бир нафасда битилган мақолада Тошкент вилоятидаги улкан бунёдкорлик ишларини бор бўй-басти билан қамраб олиш имконсиз. Лекин, шуни ишонч билан таъкидлаш мумкинки, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини "Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури лойиҳасида ҳам вилоятимиз аҳли учун жуда кўп хайрли ишлар қайд этилган. Энг муҳими, уларни шунчаки лойиҳалар эмас, эртанги фаровон куннинг бугунги дараклари дейишга тўла асосимиз бор!

**Шоира БОЗОРОВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

## Амир Темур тузукларидан



"Салтанат тўнини кийгач, ўз тўшагимда роҳатда ухлаш ҳузур-ҳаловатидан воз кечдим. Ўн икки ёшимдан жаҳонгашталик қисматим бўлди, ранжу меҳнатлар тортдим. Бирор ишни бажаришни ўйласам, бутун зеҳним, вужудим билан берилдим, битирмагунча ундан қўлимни тортмадим. Ҳар неки десам, унга ўзим амал қилдим. Ҳеч кимга ғазаб билан қаттиқ муомалада бўлмадим. Ва ҳеч бир ишда танглик қилмадим, токи Тангри таолонинг ғазабига дучор бўлмайин, ҳолим танг айламасин, деб. Одам Атодан бошлаб то Ҳотамгача ва ундан то ҳозирги дамгача ўтган султонларнинг қонунларини ва туриш-турмушларини, қилиш-қилмишлари, айтган гапларини хотирамда сақладим ва яхши ахлоқлари, маъқул сифатларидан ўрнак олиб, уларга амал қилдим".

## Ҳадисдан

*Ишни ўйлаб қилган киши хор бўлмас, кенгашиб ишлаган киши ўкинмас, иқтисод қилган киши фақир бўлмас.*

*Бир соат илм ўрганмоқ, бир тун уйғониб ибодат қилмоқдан хайрлироқдир. Бир кун илм ўрганмоқ уч ой рўза тутмоқдан хайрлироқдир.*

*Одамларнинг ёмони шундай бир кишики, ўзи Аллоҳдан сўрайди, Аллоҳ учун бир нарса бермайди.*

*Сиз ўз молларингиз билан халқнинг кўнглини олмоққа эмас, балки уларга очиқ юз, гўзал хулқингиз билан манзур бўлмоққа интилинг!*

# ЛАЪЛИ БАДАХШОН

*Ҳажвиётимиз хазинасидан*

Унинг асли исми Лаълихон бўлса ҳам, дугоналари Лаъли Бадахшон деб чақирардилар.

Лаъли Бадахшоннинг асл башараси қанақалигини ҳали ҳеч ким билмайди. Мен ҳам уни ўн йилдан бери танийман. Аммо башарасидаги чоракам бир кило бўёқ асли юзининг қанақалигини билдирмайди. Сочи ҳалигача ўрим кўрмаган. Қош-кўзини тутиб кетган сочлари елкаси-ю, қулоқчаккасидан айланиб, худди калта паранжи ёпинганга ўхшатиб кўрсатади.

Қоши қорамой суртгандек йилтирайди. Киприкларига негадир ҳаворанг бўёқ суртган. Қизил сиёҳ ичгандек лаби қипқизил. Кўйлаги ҳамиша тиззасидан юқорида туради. Биров билан хайрлашаётганда панжаларини қўлтиғининг тагига обориб қимирлатади.

У кинони, танцани, машинада юришни жонидан яхши кўради. (Шуни ҳам айтиб қўяйки, бир ўтирганда икки кило музқаймоқни кўрдим демайди). Қачон қарасангиз, жағи қимирлаб туради. Ё шоколад, ё конфет сўриб турганини кўрасиз.

Мана шу Лаъли Бадахшон ўзи тенги йигитларни назарига илмай юрарди. Машинаси бўлмаса, театрларда олдинда ўтирмаса, оладиган маоши ўзидан ортмаса, нима қизиғи бор? Эр бўлгандан кейин моянасига қўшимча пенсияси ҳам бўлиши керак-да.

Хуллас, Лаъли Бадахшон ниятига етиб, тепакал, қадди сал букилганроқ эрга чиқди. Агар Лаъли Бадахшоннинг йигирма икки ёшини куёвнинг етмиш саккиз ёшига қўшса, янги йилда роппа-роса юзга киришар экан. Эрининг маоши мўлжалдан сал ошиқроқ, каттагина пенсия ҳам олади. Унинг устига "Волга"си бор.

Сал кунда Лаъли Бадахшон эрини ўз кепатасига солиб олди. Унга тор шим тиктирди. Ўпкадек қип-қизил галстук тақиб қўйди. Тепа тарафида сочи бўлмаса ҳам, ён томонига ишониб, чаккасидаги попраткасини устаранинг тиғидек учли қилдирди. Соқол ҳам қулоғини ушлаганча кетди. Тупукдеккина мўйловининг ўзи қолди.

Энди куёвтўра циркнинг отидек гижинглаб, келинболанинг кетидан сумка кўтариб юрадиган бўлди.

Омонат кассадаги пулларнинг ранги ўча бошлади. Ресторан чолғучилари улар столга ўтиришлари билан тепаларига келиб, сурнай чалишади. Куёв яшариш учун эрталаб туриб радионинг қулоғини бурайдиган, жисмоний тарбияни охиригача адо этиб, токнинг зангидек бужмайиб қолган бўйинларини ҳўл сочиқ билан аввал кўкариб, кейин қизариб кетгунча ишқайдиган бўлди.

Бугун Янги йил арафасида шахсий "Волга"нинг юкхонасини тўлдириб бозордан қайтаётганларида куёвбола йўл четида олазарак бўлиб турган ўрта яшар чиройлигина жувонни кўриб, бесаранжом бўлиб қолди. Машинадан туша солиб, унга қараб югурди. Лаъли Бадахшон унинг бу аҳволини кўриб, ҳанг-манг бўлиб қолди.

Бу қанақа шармандалик? Ўз хотинининг кўз олдида-я! Лаъли Бадахшон ундан кўзини узмасди. Эри бўлса, жувонни бағрига босиб кўришди. Уни авайлаб скамейкага ўтқазди-да, елкасига қўлини ташлаб, нималардир дея бошлади. Лаъли Бадахшон чидамади. Зарда билан улар тарафга юрди. Қараса, эри жувоннинг икки қўлини ҳовучлари орасига олиб



илжайди. Лаъли Бадахшоннинг жон-пони чиқиб кетай деди.

Эри ёнини кавлаб кармонини олди. Ундан иккита эллик сўмлик олиб, жувонга узатди. Лаъли Бадахшоннинг сабри тугади. Тарс-турс юриб, улар тепасига келди. Эри дик ўрнидан турди-да, жувонга уни таништира бошлади.

– Мастон, бувинг билан танишиб қўй.

Лаъли Бадахшон шошиб қолди. Чунки у йигирма икки ёшга кириб, эллик яшар неварасини энди кўраётган эди.

**Саид АҲМАД.**

# ЯНГИЙЎЛДАН ЧАҚНАГАН УМИД

**Янгийўллик ўспирин Комилжон Исмоиловнинг энг катта ва беғубор орзуси давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг оталарча ғамхўрлик билан айтган бир оғиз сўзи билан амалга ошди. Хабарингиз бор, ўтган ҳафта Президентимиз жойларда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар билан танишиш, аҳоли билан мулоқот қилиш мақсадида вилоятимизнинг бир қатор шаҳар ва туманларига сафар уюштирди.**

Одамийлик шеваси

Хусусан, Янгийўл шаҳридаги "Файзли" маҳалласида истиқомат қилаётган аҳоли вакиллари билан бўлган самимий мулоқот маҳалла аҳлининг бир умр ёдидан чиқмайдиган бўлди.

Президентимиз аҳолини қийнаб келаётган жуда кўп масалаларнинг оқилона ва тезкор ечими юзасидан мутасаддиларга аниқ ва жўяли топшириқ ва тавсиялар бергани сабабли ҳозир бу ерда маиший ҳаётнинг кўплаб жабҳаларини янгилаш юзасидан кўламли ишлар бошлаб юборилди. Суҳбатдошлардан бири, ёш болакай Комилжон Исмоилов Президентимиз билан мулоқотда "Бунёдкор" футбол мактаби тарбияланувчиси бўлиш орзусида эканлигини айтди.

– Орзуим рўёбга ошди, деб ҳисоблайвер!

Давлат раҳбарининг самимий ғамхўрлик билан айтган биргина шу сўзи мурғак кўнгилга қанчалар ишонч ва қатъият, беғубор орзуларига қанот бағишлаганини сўз билан ифодалаш қийин, албатта.

Юрт боласининг хоҳиши ҳам, юрт отасининг амри ҳам – вожиб. "Бунёдкор" футбол клуби раҳбарияти Янгийўл шаҳри "Файзли" маҳалласида яшовчи Комилжон Исмоилов билан боғланиб, уни футбол мактабига таклиф этди. Буюк футболчи бўлишни дилига туккан Комилжон мана, бир неча кундирки, "Бунёдкор" футбол мактабининг тўлақонли тарбияланувчиси сифатида машғулотларни бошлаб юборди.

– Президентимиз билан учрашувимни бир умр фахр билан эслаб юраман, – дейди Комилжон. – Ҳозир бу дунёда мендан ҳам бахтиёррок бирор бола бормикин? Янгийўлда 3-4 йилдан бери футбол билан шуғулланиб келаман. "Бунёдкор"да ўз устимда қаттиқ шуғулланаман, устозлар этагидан маҳкам ушлайман. Мана, кўрасиз, футбол юлдузи бўламан!

Орзуга айб йўқ, Комилжон. Юлдуз бўлсанг бўлақол. Фақат битта гап: ўшанда ортингдан галагала бўлиб эргашиб юрадиган спорт журналистларининг: "Футболга қандай кириб келгансиз?" деган анъанавий саволига нима деб жавоб беришинг лозимлигини биласан-а?..

**Алишер РАҲМАТОВ.**

XXI аср ва ДУНЁ

## Қор ва муз экспозициялари

**Шу кунларда Хитойнинг Хейлунцзян вилоятидаги боғда қор ва муз фестивали бўлиб ўтмоқда. Ушбу фестивалга турли мамлакатлардан юзлаб сайёҳлар ташриф буюрди. Хабарларга кўра, бу йил кўргазма майдони 500 минг квадрат метрни ташкил этган. Ҳайкалтарошлик намуналарини яратиш учун эса 200 минг куб. метр муз ва қор керак бўлди.**

Фестивалда боғ ҳудуди тўртга бўлинган бўлиб, булар "Қор ва муз дунёси", "Шаолинь-боғ", "Қуёшли орол" ва "Марказий кўча"дир. Қоронғида махсус чироқлар билан ёритилиб, ўзгача қиёфа касб этадиган мазкур ҳудудда кўпчилик суратга тушишни хуш кўради. Айтиш керакки, энг катта ҳайкалтарошлик намунасининг узунлиги 300 метрга етди. Ажойиб ижод маҳсули устида 500 дан ортиқ киши ишлади.

Хэйлунцзянда январь ойида ҳарорат совуқ бўлгани боис усталарда ўз экспозицияларини хотиржам яратиш имкони бор.

## Саёҳатга чиқишдан олдин...

**Саёҳат қилишни барчамиз ёқтирамиз. Аммо, билмаган жойга бориш киши ҳаётига хавф солиши мумкин. Шуни эътиборга олган АҚШ давлат департаменти ўз фуқароларини ҳимоялашни маъқул кўрди. Гап шундаки, департамент давлатларни хавфсизлиги бўйича тўрт тоифага ажратди. Америка ташқи сиёсат идорасининг маълумотига кўра, бу – режалаштирилаётган сафарлар хатарини баҳолаш имконини беради.**

Биринчи гуруҳга оддий эҳтиёт чораларини кўрган ҳолда бориш мумкин бўлган Шарқий Европанинг аксарият ва Скандинавия давлатлари ва МДҲнинг деярли барча мамлакатлари киради. Эътиборлиси, улар орасида Ўзбекистон ҳам бор.

Иккинчи гуруҳдан юқори эҳтиёткорлик талаб этиладиган юртлар жой олди. Бу рўйхатга Украина, Ғарбий Европа давлатлари қаторида Франция, Буюк Британия, Испания ҳам терорчилик таҳдиди туфайли киритилган.

Учинчи тоифадаги гуруҳ давлатларига эса саёҳатни қайта кўриб чиқиш тавсия этилди. Департамент Сурия, Яман, Эрон, Афғонистон, КХДР, Ливия, Мали, Сомали, Жанубий Судан ва Марказий Африка Республикасига бормасликни тавсия қилди.

**Интернет материаллари асосида тайёрланди.**

Рассом хандаси




Б. КАЛОНОВ чизган расм.


ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Электрон почта: thaqiqat@umail.uz

Телефонлар:

| | |
|---|---|
| Қабулхона: | 233-58-85 (факс) |
| Бош муҳаррир ўринбосари: | 233-70-10 |
| Масъул котиб: | 233-12-83 |
| Бўлим муҳаррирлари | 233-38-23, 233-48-08 |
| Шартнома ва эълонлар: | 233-81-21, 233-65-59 |
| Ҳисоб-китоб бўлими: | 233-54-10 |

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Саид МУҚИМОВ
Назоратчи мусаҳҳиҳ Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма V-879. Адади 16 239. Баҳоси келишилган нарҳда. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 21.00. Босишга топширилди – 00.35.